



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ТАНОСИЛ ЁКИ ОИВ/ОИТСНИ ЮҚТИРИШНИНГ САБАБЛАРИ ВА ТАРҚАЛИШНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

М.У.Курбанбаев

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси магистратура

ТИНГЛОВЧИСИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10776143>

ARTICLE INFO

Received: 24th February 2024

Accepted: 28th February 2024

Online: 29th February 2024

KEYWORDS

Таносил касаллиги, ОИВ касаллиги, ОИТС, ижтимоий ҳавф, соғлиққа қарши жиноят, ахлоққа қарши жиноят, тезкор профилактик чоратадбир.

ABSTRACT

Мақолада таносил ёки ОИВ касаллиги (ОИТС)ни тарқатиш билан боғлиқ жиноятларнинг тушунчаси, ҳуқуқий тавсифи, ушбу жиноятнинг таркибий элементлари, унинг ижтимоий хавфи кўрсатиб ўтилган. Шунингдек ушбу турдаги жиноятларга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари, қарши курашиш бўйича белгиланган субъектлар ва улар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган айрим жиҳатлар кўриб чиқилган.

Бутун жаҳонда миллионлаб инсонларнинг умрига зомин бўлаётган, кўплаб оилаларнинг тинчини бузаётган ва шу билан биргаликда дунёдаги давлатлар иқтисодига катта зарар етказаётган ОИВ инфекцияси ўзининг оқибатлари билан инсониятнинг энг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда¹.

Ҳозирги кунда дунёда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ОИВ/ОИТС инфекциясига қарши курашишда муҳим қурол эканлиги ҳақида аниқ қараш мавжуд. Бунда нафақат ОИВ-инфекцияси билан яшаётган одамлар, уларнинг оила аъзолари ва юқиш хавфи юқори бўлган гуруҳларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, балки ҳар бир инсоннинг оив юқиши усуллари ҳақидаги маълумотлардан, профилактика, даволаниш ва парваришлаш чоралари ва воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқларидан хабардор бўлиш зарур.

Аввало, ОИВ ва ОИТС нималиги ҳақидатушунчага эга бўлсак. ОИВ бу – одам иммун танқислик вирусидир. ОИТС бу – орттирилган иммунитет танқислиги синдроми, яъни ОИВ нинг симптомлар йиғиндисидан ҳосил бўлган вирус ҳисобланади. Вируснинг юқиши ОИТС ривожланишига олиб келиши мумкин. Бироқ, ОИВ юққанда ҳар доим ҳам иммунитет танқислиги синдроми ривожланавермайди. Терапиясиз ОИВ инфекцияси ривожланиши мумкин ва охир-оқибат у кўпчилик ҳолларда ОИТСга айланади.

“Таносил касалликлари”нинг бошқа бир номи “венерик касалликлар” бўлиб, латинча Уениз - Венера, яъни қадимги юнон афсонасидаги севги ва нафосат маъбудасининг номидан келиб чиккан. Бу касалликлар кўзғатувчилари ва клиник

¹ <https://jizzax.uz/2857-oiv-va-oits-havfli-kasallik.html>



ҳолатига кўра турлича бўлса-да, уларни юқиш йўли бирлаштириб туради. Бу касалликлар асосан жинсий алоқа орқали юқади. Таносил касалликлари, айниқса, захм ва сўзак ўз вақтида даволанмаса, сурункали тус олади ва беморнинг ўзи учун ҳам, бутун жамият учун ҳам катта хавф туғдиради. Уларни била туриб тарқатиш жиноят ҳисобланади.

ОИВ инфекцияси бугунги кунда бутун Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти олдида турган долзарб муаммолардан бирига айланган. Бугунги кунда дунёда ОИВ инфекциясидан азият чекаётган 41 миллионга яқин бемор бор. Улар сони йилига ўртача 1,5 миллион нафарга кўпаймоқда. Энг ёмони, хасталик ҳар йили 600 мингдан зиёд кишининг ҳаётига зомин бўляпти. Умуман, Ер юзида ОИТС эпидемияси бошлангандан буён 74 миллион одам ушбу дардга чалиниб, 33 миллион нафардан ортиғи вафот этган. Таҳлилларга кўра, инфекция 75 фоиздан ортиқ ҳолатларда 25-49 ёшли кишилар ўртасида учрамоқда. Шу жумладан юртимизда яшаётган инсонлар орасида 2023 йил 1 ноябрь куни ҳолатига кўра 49204 нафар, вилоятимиз аҳолиси орасида 2480 нафар ОИВ инфекциясини юқтириб олганлар аниқланган².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январь кундаги “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликка қарши курашиш тизимини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, аҳоли орасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш самарадорлигини оширишга доир 2023–2027 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси томонидан 2030 йилга бориб ОИВ эпидемиясига барҳам бериш учун «95–95–95» стратегияси илгари сурилган. Унда ОИВ юқтириб олган шахсларнинг 95 фоизи ўз мақомини билиши, махсус даволаш курслари билан қамраб олиниши, 95 фоизининг қонида вирус юкламаси аниқланмайдиган даражага тушиши кераклиги режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги нафақат шахснинг ҳаёти ёки соғлиғидан маҳрум қилган ҳолатлар учун жавобгарлик ўрнатади, балки шахснинг ҳаёти ёки соғлиғини реал хавф остига қўядиган ижтимоий хавфли қилмишлар учун ҳам жавобгарлик белгилайди. Шунинг учун ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши натижасида инсон ҳаёти ёки соғлиғини хавф остига қўядиган тажовузлардан муҳофаза қилиш жиноят ҳуқуқининг долзарб вазифаларидан бири сифатида баҳоланади. Инсон ҳаёти, соғлиги ва унинг дахлсизлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш, унинг барча имкониятларини ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган шарт-шароитни яратиш давлат ҳокимияти органларининг диққат марказида бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг асосини ташкил этади.

Таносил касаллиги ёки ОИВ касаллиги/ОИТС юқадиган манбани яшириш ва таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраган шахсларнинг текширишдан бўйин товлашига олиб келса ушбу шахсларга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 57-58 моддалари билан жавобгарлик белгиланган.

² <https://surviib.uz/uz/news/oivoits-spidsiz-a>



Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 57-моддаси Таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраган беморнинг касаллик юқтирилган манбани, шунингдек ўзи билан алоқа қилиб таносил касаллиги ва ОИВ касаллиги/ОИТС юқиши хавфини туғдирган шахсларни яшириши, 58-моддаси таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраганлиги ҳақида етарли маълумотлар бўлган шахсларнинг соғлиқни сақлаш органлари томонидан огоҳлантирилганидан кейин ҳам текширишдан бўйин товлаши- базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli жиноятлар деганда, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини таъминловчи ижтимоий муносабатларга реал хавф туғдирувчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида белгиланган, ижтимоий хавfli қилмишлар тушунилади. Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli жиноятлар туркумига таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 113-моддасида кўрсатилиб, ушбу моддада жавобгарлик белгиланган.

Жиноят кодекси 113-моддаси биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятнинг бевосита объекти бошқа шахснинг соғлиғини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Жиноят кодексининг 113-моддасида қуйидаги мустақил таркибли қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган, яъни: а) била туриб, бошқа шахсни таносил касаллигини юқтириш хавfli остида қолдириш (1-қ.); б) ўзида таносил касаллиги борлигини била туриб, бу касални бошқа шахсга юқтириш (2-қ.); в) била туриб, бошқа шахсни ОИВ касаллиги /ОИТСни юқтириш хавfli остида қолдириш ёки унга ОИВ касаллиги /ОИТСни юқтириш (4-қ.); г) шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги /ОИТСни юқтириш (5-қ.). Жиноят кодекси 113-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони била туриб, бошқа шахсни таносил касаллигини юқтириш хавfli остида қолдириш ҳисобланади. Мисол учун Бухоро вилоятида ОИТС юқтирган аёл қарийб 4 йил давомида қасддан касалликни 40 нафарга яқин шахсга юқтирганлиги оммавий ахборот воситаларида катта шов-шувга сабаб бўлди. Бухоро вилояти ИИБ ҳузуридаги ТБ терговчисининг маълум қилишича аёлга ЖК нинг 113-моддаси 4-қисми (била туриб, бошқа шахсни ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш хавfli остида қолдириш ёки унга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш) билан жиноят иши кўзғатилган. Жиноят иши айблов хулосаси билан суд муҳокамасига юборилган. Суд ҳукмига кўра, унга 6 йил 6 ойга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган³.

Ушбу турда содир этилган жиноятларга қарши курашиш самарадорлиги бошқа жиноят турларида бўлгани каби, жиноятчи шахси билан ишлаш ва унинг шахсига оид маълумотларни таҳлил қилиш, ўрганиш асосида тезкор қидирув фаолиятини амалга ошириш фаолиятини тўғри ташкил этиш ва ўтказиш билан аҳамиятли ҳисобланади. А.А. Таштемиров бу борада ўз фикрларини қуйидагича баён этади, яъни: “Ушбу турдаги жиноятларга қарши курашишда тезкор суриштирув ишларини самарали ташкил этиш

³ <https://www.gazeta.uz/uz/2021/12/29/foxishalik/>



ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ушбу турдаги жиноятлар ўзига хослиги билан бошқа жиноятлардан кескин ажралиб туради. Шунинг учун бу ерда жиноятчининг шахсига аниқлик киритиш жиноятнинг содир этилишда асосий ўринга эга. Бунинг учун эса тезкор қидирув тадбирларини ўз вақтида ва самарали қўллаш талаб этилади⁴. Бундан маълум бўладики, жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлиги кўп жиҳатдан ИИОлари ходимлари томонидан амалга ошириладиган тезкор қидирув тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши билан боғлиқ экан.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ички ишлар органларининг таносил ёки оив/оитсни юқтиришнинг сабаблари ва тарқалишини олдини олиш чора-тадбирларни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

- Ички ишлар органлари ҳамкор ташкилот ва идоралар билан биргаликда олдини олиш борасида аҳолининг ОИВ инфекция юқиши хавфи юқори гуруҳларда, шунингдек, чет давлатга чиқиб кетаётган ва қайтган меҳнат мигрантлари, уларнинг оила аъзолари ҳамда ОИВ инфекция билан касалланган беморларнинг яқинлари орасида тушунтириш ишлари самарасини янада ошириш талаб этилади. Сабаби, бугунги глобаллашувнинг шиддати даврида дунёда аҳоли миграцияси кўлами ва ўсиш даражасини кузатиб борар эканмиз, ҳар бир давлатнинг иқтисодий, жўғрофий, демографик ва бошқа омиллар таъсирига кўра миграция моделларининг ҳар хил кўринишлари шаклланмоқда;

- Оммавий ахборот воситаларида маънавий бой, жисмоний соғлом ва уйғун ёшларни камол топтиришга йўналтирилган ОИТС профилактикаси масалалари бўйича тушунтириш ишларини ташкил этиш;

- ОИВ инфекцияси профилактикаси, диагностикаси ва уни тарқалишига қарши курашиш масалалари бўйича тажриба алмашиш мақсадида хорижий мамлакатларнинг мутахассислари иштирокида конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

-ҳамкор ташкилотлар билан аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида оилага содиқлик, тасодифий жинсий муносабатларнинг салбий оқибатлари, жинсий фаолиятни оила қургандан кейин бошлаш тўғрисида ташвиқот-тарғибот ишларини ёритишда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш;

-ОИВ инфекцияси инфекциясини ҳаракатлантирувчи кучларни мунтазам равишда ўрганиб, натижасига мувофиқ профилактик тадбирларни белгилаб бориш, ОИТСга қарши кураш хизматида фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг узоқ хориж ва ҳамдўстлик мамлакатлари ижобий тажрибаларини ўрганиб, улар билан ҳамкорликда илмий изланишлар олиб боришини йўлга қўйиш;

- ОИВ/ОИТСни юқишининг олдини олишга қаратилган бундай маълумотларни ҳатто интернетда ҳам ўзбек тилида етарлича маълумотлар топилмаслиги, шундан келиб чиқиб интернетга кўпроқ маълумотлар ўзбек тилида киритилиши;

- Ўзбекистон халқининг менталитети, маънавий-ахлоқий негизлари ва анъанавий қадриятларини ҳисобга оладиган аҳоли ўртасида ОИВ/ОИТС профилактикаси масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишлари олиб бориш.

⁴ Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 14. – С. 320-327.